

**“БАДАСТИР МАКТАБ”
ФОЙДАЛАНИШГА
ТОПШИРИЛДИ**

2-бет

**МАҢНАВИЯТИМIZНИ
ЭЪЗОЗЛАЙЛИК,
АЗИЗЛАР...**

5-бет

**ҚАБОҲАТ
КЎЧАСИДАГИ
ТУЗОҚ**

7-бет



TURKISTAN



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 19 октябрь, шанба, №122-123 (3468-3469).

**Қасим-Жўматр Тўқаев:
БИЗ ХАЛҚАРО ВАЗИЯТНИНГ
ИМКОН ҚАДАР БАРҚАРОР
Бўлишини истаймиз**

**ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПОЙТАХТДА ЎТГАН
«АСТАНА ТАҲЛИЛ МАРКАЗЛАРИ АНЖУМАНИ»
(ASTANA THINK TANK FORUM)НИНГ
ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАҶРУЗА ҚИЛДИ**

ҚР Президенти Қасим-Жўматр Тўқаев йигилиш иштирокчиларига ушбу мулоқот майдони Астана халқаро анжуманларда, шу жумладан, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашида ҳам қишилган ҳамда энг долзарб дунёвий ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиб учун мўлжалланганлигини таъкидлadi.

Президент К. Тўқаев Қозоғистон ўрта даражадаги давлатлар манфаатларини халқаро анжуманларда, шу жумладан, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашида ҳам қишилган ҳамда энг долзарб дунёвий ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиб учун мўлжалланганлигини таъкидлadi.

– Маълумки, бугунги кунда инсоният минтақавий можаролар, иктисодий бекарорлик, икlim ўзгариши, озиқ-овқат ва миграция ҳавфсизлиги каби мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу дунёвий муаммолар барчимизни ташвишига солмоқда ва бидарни биргаликда бартараф этиш чора-парини излашимиз керак. Бизнинг келажаклийи – кучларимизни қанчалик бирлаштириб, умумий келишувга еришишимизга боғлиқ. Шу боис биз Қозоғистон учун ушбу муҳим жараёнда иштирок этишини улкан шараф деб биламиш. Геосиёсий зиддиятлар туфайли савдо, сармоявия ви инновациявий соҳаларда эркин алмашиши ўйлида янги тўсикларни бужудга келмоқда. Ҳатто икlim ўзгаришлари, очлик ва тенгислика қарши курашиб сингари бутун башарият тақдирига дахлдор масалаларда ҳам ўзаро мулоқот издан қиқсан сизимиш. Бундай мурakkab шароитда амалий ҳамижиҳатлик ва ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан ююри кўйган ҳолда, мамлакатни жиспластириш гоёси ҳар ҷаонигидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Давлатлар катта ёки кичикка бўлнимасликлари керак, балки дунёнга фаронволлаштиришга хисса жишшилари даркор. Қозоғистон келажакда жаҳон майдонида фаол тинчликларвэр давлат сифатида сиёсий майдонга чиқишига тайёр. Биз дипломатия, иктисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама бошқарув чорраҳасида турибиз. Ҳамкасларимиз ва ҳамкорларимиз билан биргаликда ҳаракат қишиш орқали биз дунё истиқболини шакллантиришга ёрдам

бера оламиз. Халқаро вазият ўзгараётган бир пайтда биз шунчаки кузатувчи бўлиб қолишни истамаймиз. Аксинча, янада мувознататли, адолатли ва барқарор дунёвий музоратизм меъмори бўлишга интиламиз, – деди Президент.

Давлат раҳбари мамлакат Эрон билан ядроий қурол масаласида келишувга эришиш, Сурия бўйича музокаралар, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида учрашув ўтказиш учун алоҳидан бушиш майдонини таклиф қилганинг айтди.

Президент ядроий қуролсизланиш ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш масалаларига алоҳидан ётибор қаратди.

– Биз иктиёрий равишда ядроий қуролдан воз кечдик ва уни тарқатмаслик бўйича дунёвий ташабbusларни кўллаб-куватлаша давом этамиш. Астананинг Биологик ҳавфсизлик бўйича халқаро агентликини ташкил этиш таклифи дунёвий ҳавфсизлик соҳасидаги таҳдидларга қарши мажбуриятларни мизданд бирдири. Қозоғистон дунёвий иким кун тартибининг атроф-муҳитни мухофаза қилиш соҳасидаги мақсадларини кўллади. Биз иким бўйича Париж келишувини ҳам кўллаб-куватлаймиз, – деди Қасим-Жўматр Тўқаев.

Учрашувда давлат раҳбари Россия ва Украина ўртасида зиддиятни ҳам қилиши масаласи бўйича ҳам ўз фикрини билдири.

– Канцлер Шольц билан музокараларни чогида айтганимдек, Россия ҳарбий нуқтаи назардан ёнгилмас экани аник. Бунга Россиянинг ҳарбий салоҳии таъминлаш, хорижий сармояларни жалб этишида ҳам ҳал қуловчи аҳамиятга эга.

– Иктисодий жиҳатдан Қозоғистон улкан муваффақиятларга эришиди. 400 миллиард доллар бевосита хорижий сармоя жалб қилидик. Мамлакатда 2029 йилгача 150 миллиард долларлик сармояларни жалб этиши стратегик мақсад сифатида янги сармоявий давр бошланди. Биз сармоядорларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш ва тезкор қарор қабул қилиш мухимлигини яхши тушунамиз. Шу боис, стратегик сармоявий лойиҳаларни назорат килувчи кенг ваколатларга эга бўлган Сармоявий кенгаши ташкил этилди, – деди Қасим-Жўматр Тўқаев.

Президент Қозоғистон халқаро ҳамжамиятнинг нуғузли аъзоси сифатида узоқ ийллар давомиди ўз вазифаларини аъло даражада бажариб келаётганини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда). ►



Astana
Think Tank Forum



ҚР Президенти Қозоғистоннинг
БРИКСга аъзо бўлиш таклифини олди

Давлат раҳбари ушбу таклифни Қозоғистоннинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганмоқда. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Матбуот котиби Берик Уали Tengrinews. kz нашрига берган мусоҳабасida маълум қилди.

– 23-24 октябрь кунлари Қозоғистоннинг БРИКС самити утади. Ҳабариниз бор, мазкур тузилмага раислик қилувчи Россия Президенти Владимир Путин Қасим-Жўматр Тўқаевни анжуманга мөхмон сифатида таклиф қилган. Президентнинг кун тартибига унинг БРИКС самитидаги иштироки ҳам киритилган. 24 октябрь куни давлат раҳбари тузилманинг кенгайтирилган йигилишида нутк сўйлади.

Озарбайжон ва Беларусь БРИКСга аъзо бўлиш учун ариза берди. Айни пайтда МДҲнинг бошқа давлатлари ҳам қизиқиш билдиримоқда.

Телефон рақамлари – eGov орқали

Энди телефон рақамлари фақат eGov орқали берилши мумкин. Бундай ҳолда, фирибгарликнинг олдини олини чоралари самарали бўлади. Бу ҳақда ҚР Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири ўринbosari Асхат Уразбек маълум қилди.



ҚР Парламенти Мажлисининг Халқаро ишлар, мудофа ва ҳавфзизлик бўйича кўмитаси аъзоси Асхат Рахимжонов Қозоғистон халқи маълумотларини маҳфузлаштиришга ҳам қилиш ҳакидаги саволига жавобан, А. Уразбек вазирлигидан SIM-картадар савдосига оид чекловлар жорий этиши режалаштираётганинг айтди.

– Фирибгарлар асосан WhatsApp ва ижтимоий тармоқлар орқали ишлайди, уяли алоқа операторлари эса WhatsAppни блоклай олмайди. Ҳозирда операторлар SIM-карталар ва рақамларни тақдим этишмоқда. Бирор, келажакда фуқаролар Egov.kz портали орқали рақамларни оладилар. Бундандан ташқари, бир кишининг кўлидаги SIM-карталар сонини чеклаймиз, – деди вазир ўринbosari.

Унга кўра, ҳуқуқий шахслар бизнесда фойдаланиш учун сотиб олган SIM-карталари бўйича аниқ маълумотларни тақдим этади. Чунки ҳозир рақамлар назоратиз ўтказилмоқда.

– Яқин кунларда вазирлигидан ташабbusларни йўллайди, – деди Асхат Уразбек.

Рамазон ойининг дастлабки куни
1 марта тўғри келади

Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг шарият ва фатво бўлими 2025 йил учун диний кунлар тақвимини тасдиқлади, дея ҳабар беради muftyat.kz.



Тақвимга кўра, Рамазон ойининг биринчи куни 1 марта тўғри келади.

26 марта 27 марта ўтар кечаси – Қадр кечаси.

Рамазон ҳайити 30 марта, Қурбон ҳайити эса 6-8 июнга тўғри келади.

24.kz. маълумотлари асосида.

"AGROFEST TURKISTAN – 2024" ТАДБИРИ ЎТДИ



Туркистон шаҳрида ризқ-насибасини она заминдан тераётган, заҳматли меҳнати билан жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашга зарборли ҳисса қўшаётган вилоят қишлоқ ҳўжалиги мөхнаташларни кунига бағишилган "AGROFEST TURKISTAN – 2024" шодмёнаси ўтди. "Карвон Сарой" сайёхлик мажмуасида ўштирилган байрамда наслдор мол ва техникарлар кўргазмаси, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ва миллий спорт турларидан мусобақалар ўтказилди.

Кенг кўламли тадбирда вилоят ҳокими Д. Сатибалди иштирок этиб, қишлоқ ҳўжалиги техникаси кўргазмасини томоша қилди ва "Туран су" ДКК, "Ветеринария хизмати" ДКК-га маҳсус техникарларни топшириди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркасида хунармандичлар буюмлари ва чорвачлик кўргазмаси билан ташниди.

(Давоми 2-бетда). ►

● Обуна-2025

"ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" –
ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштари!

2025 йилнинг биринчи яром ўйлигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош ҳалқ минбари ва овози, фарҳи саналмиш нашр омма ва давлат ўтиласидаги оптим кўпрук – доно маслаҳатгёй вазифасини ҳалол ва вижданан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан ўтиласидаги оптим кўпрук – дея ҳабар беради.

Маънавий жиҳатдан ўтиласидаги оптим кўпрук – дея ҳабар беради.



6 ойга обуна баҳоси:
"Қаззопшта" ЖҲ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3368,00 тенге.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ:
65466

>> Буюк Даشتнинг улуф алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шу пайт сойнинг у тарафида Ҳазрат пайдо бўлди. Пирниң қовоги солик. У Қутбиддинга хўмрайб қаради-ю, чўрт бурилиб кетди. Йигит шу заҳоти ўзини сувга ташлади...

Қутбиддин терлаб уйонди. Аланглади. Сув ҳам, пири муршид ҳам йўқ, кулоклари шанғиллар, калласи оғирлашиб қолгандек эди. Ёстиқдан аранг бош узди.

Истиғфор келтириди. «Бул ишорати ғайб, – кўзларини ишқади, – пиримнинг ранжигани ҳақиқат рост экан. Тазарру келтирмак даркор, не чора этиб бўлса-да, бул бадбўй гушани тарк этмак позимдир. Вале не чора топқаймен, ё жаббор?»

Бирдан Қутбиддиннинг шуури тиннилашди. Юрагига аллақандай бир зангори латиф нур кириб ўрнашди. Дили потраб «Пирим! Пирим!» деб юборди. Дарди дунёси яшнаб, тилига Султон ул-орифининг сатрлари илхомдек куйилиб келди:

**Эрни кўрсан эргашдим,
истадугумни сўрдим,
Барчаси сенда деди,
қолдим ҳайрон ичинда.**

Қутбиддин иргиб турди. Шитоб билан бориб эшикни қўшкўллаб ура кетди. Зинданбон кирди. «Хизматнингизга мунтазирман, бегим» дегандек, остонаяда ғоз қотди.

– Зудлик билан ҳўкмдорга арзимни еткуринг. Биз аъло Ҳазратнинг шартларига розимиз.

– Баш устига, бегим, – деди зинданбон ва бу сафар эшикни беминнат ёпди.

Уч кундан кейин Қутбиддин куёв либосини киди. Султон Маҳмудхон Ойтұгидан ортирган ёлгиз ўглиниң тўйини бениҳоят хайлу ҳашам бирла ўтказмак қасд қилди. Сиёб соҳилига юзлаб илак чодирлар тикириди. Шахристондан то дарё бўйигача кўчаларда мешкобчилик пўш-пўшлаб сув сепади, мұждачилар от чоптириб кентма-кент кезади, бор ҳалойиқни шоҳона бағза чорлайди. Муаззинлар Самар шаҳар минораларини жарчию маддоҳларга бўшатиб берган. Улар саховатда Хотамисифат, адолатда Нўширавон, ёқурулника Рустами зол... мискинлар паноҳи, дини ислом шамшири султон Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноби олийлари етти ёшдан етимиш ёшгача бўлғон ахли раиятини лутфун боғи Дилкүшога таклиф этажагина маълум қилиб, томок ўтирадилар.

Бу ёғи Исфижобга, бу ёғи улуғ султон, салжуклар салтанатининг устуни Санжар ибн Малишоҳга маҳсус чоплар отлантирилди.

Тўрт-беш кун орасида Сиёб бўйлари ер юзининг жаннатига айланди. Бир ёнда муганнийлар нағма чалиб дилларга гулув солади, бир ёнда ёғоч оқли мұкаллidlар ўйин кўрсатади. Дарё узра доэрзоблан лангар чўп ушлаб учади. Гулхон гуриллаган давралар атрофидаги морбозлар, кўзбойлогочилар, айик ўргатувчилар, масхарабозлар, соҳирилар эл кўнглини хушлайди.

Ўнлаб дошқонзолнар бикир-бикир қайнайди. Қирқ хил қоюн, юз хил мева ортилган араваларни судраб келаётган отлару хачирлар ҳансираш пишқириди. Неча ойлаб заҳ ертўлапларда қайнаб ётган баҳаётган хумлар оғиз очилган.

Гулкосалар кўйма-кўй, чехралар гулгун. Бугун ҳар майфуруш майхўр, ҳар бир майхўр майфурушга айланган.

Султон Маҳмудхоннинг илкida ҳам тилла гардишли заранги коса. У бояннинг қоқ ўртасига ўрнатилган ўн икки қанотли баланд чодир олдида, олтин таҳтада ўтириб тўй тадоригини кузатади. Қўзларида мастана бир хушнудлик жилва қилади. Қўзидан соҳирий шукрона ила ботиний қаноат жой талашади. Шукронаси шулики, аввало валиядни ҳўкмига бўйинсундиди. Ҳақ таолога беадад ҳамдлар бўлсинким, Қутбиддин дарвишилик жандасини очиб отди. «Иншооллоҳ, даргоҳимда қолғай, насиб этса аркони давлатни жамлаб, салтанат жиловин анга топширигайман. Бас, энди соҳиҳоҳни тарқ этиб, сарой сари кел-мак чоғидур».

«Хонақоҳ» Маҳмудхоннинг ёдига Султон ул-орифинни солди. Тўй арафасида Маҳмудхон пири комил ҳузурига Самарқанд шайх-ур раиси Жоха Абдул Раззоқни элчи этиб юборган эди. Элчининг дастига икки энлик мактуб битиб берди. «Ҳақ субҳонаҳу ва таолога ҳамду саноардин сўнгиги арзи дилимиз шулики, Сиздек зоти шариф ҳазратимнинг кутлугу нафасаридан баҳраманд бўлиб, фазлу камолот касб этмиш фарзандимиз шаҳзодани кадхудоли мартабасига ноил этмак орзуидамиз. Биздек ахли иро-датинни фақир дастурхони Сиздек пири комилга мунтазирдир. Муборак назарлари бирла ани бобаракет этсалар, хонадонимиз нурга тўлур эди. Дуюй жонингизни қилиб, қуллук мақомидаги муриднинг Маҳмудхон Тамғачон. Аллоҳумма саййирна ахлуп имтийози».

Худоё худовандо, бизларни имтиёзли кишилардан қўлғайсан.

Хожа Абдул Раззоқ Шайхдан икки оғиз жавоб келтириди. «Марҳаматлари учун куллук, – дебди Ҳазрат, – таассуфки, фурсатимиз истифода этмайдар. Йўл тадоригини қўриб турибиз».

Ҳазрат карвони шу куниёқ Бухорои шариф томон отланди. Шайх ул-машоҳийхнинг хон тақлифига киё бокмай кетгани Маҳмудхоннинг сармаст қўнглини тирнаб ўтди. Ўнга наини бепсандидлик, бехосият бир аломат бўлиб қўринди.

«Начора, – дебди ичиди Маҳмудхон, – ул Ҳазрат

авлиёи кабир, биз эрсак султон Санжар то-

байдирмиз, сарф бир ҳондирмиз».

Сулук сардорининг Самарқанди тарқ этганини билиб, Қутбиддиннинг дили садпора бўлди. Унинг ичи-таши ёниб, базм адогини кутар, ўшал паририхор селини тадорига бир тикилиб... сўнг дилига тугиб ўйған муродига етмак истарди. Ахир зикр тушмаганига неча кун бўлди? Хонақоҳ исини туйиб, шокирлару обидлар ҳалқасида нон емаганига неча замон бўлди? Пир субхатини соғинди. Мана, тўққиз кундирки, Қутбиддин уюридан адашган аргумоқ отек на кўзига, на дилига таскин берадиган бир манзилада улоқиб юрарди.

Асьасао дабдабанинг бешинчи куни, базми жамшид авҳ пардасига чиқканда, келин тушди маросими бошланди. Келинпошша Маҳмудхонни ўша машъум Қатавон бибёнодидаги жангда

Хидоят сари

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий

Роман



ўлимдан асрар қолган амир Фазлиддиннинг қизи Зулфизар эди. Қизни узатиб келишга хон ўзининг энг ёвво, гужумдек сервиқор филини юборган эди. Юзлаб болалар, аёллар, ўнлаб соқиқлар куршовида зарбоф матолар или зийнатланган баҳабат фил бир-бисоб, тўхонага кириб келди. Филбон филини тўғри хон ўтирган таҳт сари етаклади. Хон ёнидаги заррин баҳмалу газмолдан ўралган нарвондан келинни оҳиста ерга кўндирилдилар. Келиннинг бошидан тилло тангалар сочилид. Қизнинг олдига, ирим қилиб, бир иччилик о чақалоқни думалатдилар. Кайвони хотинлар ёр-ёр айтиб, Зулфизарни маҳсус меҳмонхона тўридаги ипак чимилдик сари кузатиб келдилар.

Бу сирли-сехрли манзарани кузатиб, Қутбиддин бир чеккада киёв жўралари (аслида кўричили) ичиди лабини тишлаб турарди. Бир мусулмон фарзандининг бегуноҳ, бокира қизига унинг иштойдил раҳим келди. Қелиннинг олдига тортинман, бегим. Сиз йигитларнинг лочинисиз, тўрам, оппоқ кабутарни кўрган лочинек бўлинг, – у хандон ташлади, – илло, бегим, бир кунда бори йигитлик кувватин сарф айлаб, эртаси қизимизни фикимлаган гулга мензатид қўйманг-а? Ҳусн кунда керак.

Машшотанинг ниммадарга ўралган дийдиёси Қутбиддиннинг кулогига кирмас, у интизорлик билан бу тилло қафасдан озод бўладиган дақиқаларни кутарди. Ва ниҳоят, висолхона эшиги хам очиди. Янглар қизин кўлма-кўл машшотага топшириб, ўзлари қайдига ғойиб бўлдилар. Машшота Кутбиддинни чорлади. Икковлари кенг, шифлари баланд, чароғон висолхонага кирдилар. Зулфизар хона ўртасида кўл қовуштириб турарди.

У Қутбиддинни кўриб, тағин эглиб салом килди. Машшота келин-кўйнинг рўбару ўтказди. Ташкарига чиқиб, кумуш патнисда исирек тутишиб кирди, келин-кўёни бошидан ўтирги. Сўнг хона тўридаги тўрт қават қилиб солинган момиқ тўшакларни кўздан кечирди. Оппоқ паркув болишини кўтари, «И-е, йўғ-у?» деди ўзига ва токчадан кичикинина Қуръон олиб келиб, ёстиқнинг тагига кўйди.

Кейин токчаларда пориллаб ёниб турган йўғон шамлардан иккитасини қолдири-ю, бошқасини пульфаб ўчириди. Қўл очиб дуо қилди:

– Илоё, яратган Парвардигор иккаланизни юзларнинг эрғ қисин, омин! Аллоҳу акбар!

Машшота оёқ учида чиқиб кетди. Висолхонада энди ўн бешга тўлиб, ўн олтига қадам кўйган қиз билан ўн сакзис ўшина эгарлаб минган дуркун, бор вужудидан куч ёғилиб турган йигит қолди.

Қутбиддин атрофига алланглади. Дераза пардалари тўқ қизил ранга, тўшак устидаги ёпқичлар кирмизи, оёқ остидаги хуросоний гиламлар чўғд, хатто шифдаги тоқилар ҳам зарабфон... Булар Кутбиддиннинг қонини жўшириб, шахвоний ҳирсини қўздириш учун қасдан қилингандек эди. Йигит қизга киё бўклиди. Не дейди?

Ахир у билан бир ёстиқба бош кўйишини истаси-мас! Жуфти ҳалолники ўзига раво кўрмаси?

Не чора қилсан? Бир оз ўтириб, гапнинг индалосини айтсанмай? Эшик олдига, бое атагида Кутбиддинга кўз-күлк бўлиб ўтирган соқиличарни дафн этиб қочиб кетсанму? Ҳудога шукр, билигидаги кутириб юртни таҳтади.

Қиз мўжксан ишёлачага хушбўй чой қуиди. Ўрнанда турбид таъзим ила узатди. Қутбиддин чойни олар экан:

– Энди қўзғалманг, синглим, – деди, – ўтирган ерингизда узатаверинг.

«Синглим» деган сўз Зулфизарнинг ўмганини тешиб юборгандек бўлди. Бироқ у маъюс илжайди:

– Бегим, никоҳ бирла мурхланиб завжалик бўсағасинда турган кимсалар бир-бирларига оғасингил бўлгайму?

Қутбиддин қизнинг фаросатига оғарин айтиди. Унга тагини раҳми кетди. «Шундок доно, сувуб бир ожизингиз бахтига зомин бўлдинг-а, нодон йигит! Аввал бошда йўқ деб аркони кесмайсанми, тентак?»

Бир неча сония иккаласи сукутга толдилар. Қиз Кутбиддиннинг юзига илк бора сукланиб бўклини, таслим кетди:

– Бегим, бир нима денг...

Қутбиддиннинг энсаси қотди. Кечагина энсасининг етагидан тутиб юрган бу жамалат соҳиғига оғасингил бўлмаса, таслим тошга ақли етмас?

– Не дейин сизга, Зулфизар?

Қизнинг кўзи чакнади. Завжаси илк дафъя унинг исмини тилга олди. «Демак кунгли бор

екан» деган туйгу қизнинг нозик торини чертиб ўтди.

– Бегим, ёш навжуон бўла туриб ажаб сирларни билар эрмишсиз. Сайру саёҳат айлаб, тоғу тошлар, чулу сархоларни кезган деб эшитдук.

– Булар Сизга не даркор. Менинг кўрганларини хеч бандаси кўрмасун, – деди Қутбиддин ўйчан ва кўз олдига хирқа кийиб, кашул тутиб олис Соброн бозорларидаги тиланчилар килиб юргани келиди. Қиз тилини тишлаб ўқинди. Қутбиддин шафқат юзасидан унинг юзига мулоимроқ бўклиди.

– Инжиманг, сулув. Мен Сизга байту ғазал ўқид берайин.

Қиз ийиги сари талпинди. Қошлари учуб, жонжаҳони яшнаб кетди.

– Ўқинг, бегим... Жон қулогим Сиздадур...

Қутбиддин негадир дераза томон тикилиб, хикмат ўқий кетди:

Ишқинг қилди шайдо мени,

Жумла олам билди мени,

Қайгум сенсан туни куни,

</div

Таджикмайли!

*Кутлуг
ёшигиз
муబорак
устоз!*

Абдурахмон Жо-
мий номидаги 24-сонли
умумтаълим ўрта макта-
бининг ўзбек тили ва адабиети
фани ўқитувчиси, шунингдек, мактаб илмий
мудири, олий тоифали устоз Қодирбек Бобому-
ровд 21 октябрь куни муборак 63 ёни қарши
олади.

40 йил умрини ёш авлод таълим-тарбиясига
бахшида этган устоз-мураббий, энди машақ-
қатми меҳнатнинг самарасини кўриш палласига
келди.

Меҳрибон ота, ибратли оила бошлиги, ўш-
ларнинг маслаҳатгаётини, ўз ишининг билимдони
Қодирбек Бобумуродовга мустаҳкам солғик-са-
ломатлик, хонадонларига қувонч, хотиржамлик,
дастурхонига файзу барака тилаймиз.

А. Жомий номли мактаб жамоаси.
Жетисай тумани.



Маънавият

Жанубий
Қозоғистон

>>> Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

УНВОН МУБОРАК, ҚАДРЛИ УСТОЗ!

Хаётда менга тўғри йўл кўрсат-
ган, ўғит-насиҳат берган устозла-
рим кўп бўлди. Энг қадрли ва ҳурмат-
лиси – мактабда менга сабоқ берган
заҳматкаш ўқитувчи Аҳмаджон Эр-
гашовиди.

Хаётини маориф соҳасига бахшида этган Аҳмаджон Эр-
гашов айни пайтада жамоат ишлариди
фаол. Хусусан, Қарноқ қишлоғида вилояят оқсоқоллар кенгашининг
мутасадди вакили сифатида давлат сиёсатини тарғиб қилиш, ёшларни
вотанпарварлик, иймон руҳида тар-
биялаша хизматлари кўп.

Якинда Кентов шаҳар масла-
ҳати депутатлари ва шаҳар хо-
кимининг қарорларига мувофиқ,
А. Эргашов нуғузли мукофот – Кентов
шахрининг ғаҳрий фуқароси
унвонига сазовор бўлди. Табрик




лаймиз ва мустаҳкам саломатлик
тилаймиз.

Келгуси ярим ийлилкка "Жанубий
Қозоғистон" газетаси обунасига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўша-
ман.

Файзулла МИРЗАҲМЕДОВ,
фаҳрий санъаткор.

Тасвирида: Кентов шаҳри фаҳрий
фуқароси А.Эргашов (ўнгда).

Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.



Чоҳдайт

«ОЛАМ АХЛИ, БИЛИНГИЗКИМ,
ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИГИ,
ЁР ЎЛУНГ БИР-БИРИНГИЗГАКИМ,
ЭРУР ЁРЛИГ ИШ». Алишер НАВОИЙ.

(Маъноси: «дунёдаги кишилар, бир-
бирингизга душман бўлмаганди. бу иш эмас,
ҳамманди бир-бирларингизга ёру дўст бўлингизким, ҳақи-
қатда иш шулдир».)

«ЯХШИЛИК ЁМОНЛИКСИЗ ҲАМ
МАВЖУД БҮЛИШИ МУМКИН, ЛЕКИН
ЁМОНЛИК ЯХШИЛИКСИЗ МАВЖУД
БЎЛА ОЛМАЙДИ».

Аврелий АВГУСТИН,
файласуф.



«ИНСОНЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШ,
ЧУНКИ КАРВОН ҚАНЧАЛИК КАТТА
ВА ОДАМИ КҮП БУЛАС, ЙЎЛТУСАР-
ЛАРНИГ БЕЛЛАРИ ШУ ҚАДАР БУ-
КИЛАДИ».


Мавлоно Жалолиддин РУМИЙ.



ДУНЁНИГ ИШИ ТЎС-ТЎПОЛОН,
ЖАНГ ДЕБ БИЛ,
НОМАРДНИНГМАС, МАРДНИНГ ИШИ
ТАНГ ДЕБ БИЛ.

ДУНЁНИГ ИШИ БУ –
НАРД ЎЙИНДАН БАТТАР,
ОМАДЛИ ЭРУР – ХИЙЛАЮ
НАЙРАНГ ДЕБ БИЛ.

Паҳлавон МАҲМУД.




Гандан гап

- ТИЛАНЧИЛИКДАН ТИЛЁГЛА-
МАЛИК ХУНУК.
- ўЗ ИСМИ ШАРИФИНИ ТЎГРИ
ЁЗОЛМАЙДИГАН БАЪЗИ ОДАМ-
ЛАРНИГ Дағдағаси тошни
ЕРАДИ.
- БАЪЗИ ТАНҚИДЧИЛАР МОЛ
БОЗОРИДАГИ ДАЛЛОЛГА ҲУШАЙ-
ДИ...
- МАНСАБПАРАСТНИНГ ўЗИДАН КЎРА ЮГУРДАКЛА-
РИ ХАТАРЛИ...
- КЎШНИНГ КЎР БЎЛСА БЎЛСИНУ, НОНҚЎР БЎЛМА-
СИН.
- ТЎРТ ОЁҚЛИ ТЎНГИЗДАН ИККИ ОЁҚЛИ ФИРИБГАР
ХАТАРЛИ.
- НОМАРДДАН НАЖОТ – ИТДАН ҲОЖАТ.



Тўра СУЛАЙМОН.



“ОРТИҚЧА МАҒРУРЛАНИБ КЕККАЙ-
МА, БУ ДУНЁ ИШОНАДИГАН НАРСА
ЭМАС”.

Юсуф Ҳос ҲОЖИБ.



Кечмиш – инсон қалбининг
ватанидир. Баъзида илгари
туйған хисларимизни
қўмсаф, қайгура ботамиз.
Баъзан ҳатто ўтган
дардларимизни ҳам
согинамиз.

Генрих Гейне.

Табобат

Беҳи қандли
диабетни даволайди

Беҳи барги билан пўстлоги-
ни дамлаб ичилса, қанд касал-
лигиди яхши даво бўлади.

Бунинг учун беҳи барги ва пўстлоги олиниб, салқин жой-
да қуритипади, кейин ҳаҷончада янчилаб, 1 ош қошигини
чоймонка солиб, икки соат дамлаб кўйилади.

Дамламадан кунига 5-6 маҳал ярим стакандан ичиш
таэсия қилинади.



Сабзи шарбати
ЖИГИЛДОН
Қайнашини тўхтатади

Агар сизни тез-тез жигил-
дон қайнаши безовта қилил-
турса, қўйидаги тавсиядан фойдаланишини мумкин.

Бунинг учун безовталик бошланниши билан 2-3 күлтум
сабзи шарбатини ичинг. Муаммо теззда бартараф бўлади.

Бундан ташқари, жигилдон қайнаган пайтларда турли
меваларни истеъмол қилиш ҳам яхши самара беради.

Манзилимиз:

16000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-йи, 3-кават.

Телефон: 53-07-10. Телеп fax: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатчи – 6546.

Адади – 11000 нусха.

Буорта:

2563.

Навбатчи мухаррир: Ҳуршид КЎЧКОРОВ.

>>>

№122-123 (3468-3469), шанба,
19 октябрь 2024, иш.
janubiy.kz

Таджикмайли!



>>> Обуначиларимиз орасида

ЎҚТАМБЕК АКА ИШДА ЎРНАК

Хурматли ҳамқишилоримиз, "Жанубий Қозоғистон" газетасининг фаол муштариши, 17 октябрь куни 75 ёни қарши олган ўқтамбек Бобожон ўғли (тасвирда)нинг ҳаёт ўйларига қизигиларни ўзгириб оғозламиз.

Ўқтамбек Юсупов вилоятимиздаги донгдор фаҳрий қурувчи, КР фаҳрий фуқароси Собир Отаев раҳбарлик қиласига ўтказибди. Ўқтамбек ўғли 1949 йили Чўрноқ қишлоғи собиқ Фрунзе тумани маркази эди. Эллик йилда эл янги. 1956 йилдан Туркестон тумани тарки-

район, Назира, Дилхумор, Нодира, Умидга, Ўғилжон, Бахор, Севарапарни қобил фарзандлар сифатида вояга етказиши. Уларнинг барчаси олий маълумотлар. Ширин-шакар неваралар оила ишончи ва қувончи.

Ўқтамбек Бобожон ўғлини жорий йил ташкил этилганнинг 6 йил бўлган Туркестон вилояти равнанига муносиб ҳисса кўшган фуқаро сифатида қадрдан нашримизнинг фаол муштариylари – фарзандлари, неваралари мустаҳкам саломатлик, баҳт-саодат ва эзгуликлар тилайди.

Хуррият АБУТОЛИПОВ,
КР Фаҳрий фуқароси.

>>> Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ОЧИҚ ДАРСЛАР – МАЛАКА ОШИРИШ КАЛИТИ

Шимкент шаҳридаги Асқар Умаралиев раҳбарлик қиласига ўтказибди. Атоий номли 109-сонли умумий ўрта мактабда ташкил этиладиган очик дарслар юксак савияда ўюстирилади.



>>> Табиб маслаҳати

Жиҳода меваси қадимдан халқ табобати турли касалликларни даволашда кўлланипади. Меваси пишганда йигилади. Абу Али Ибн Сино ҳам кўкрак оғриғи, ўпка, бўйрак ва сийдик пуфаги касалликларини даволашда жилонжийда мевасидан тайёрланган дамлама ишлатган.

У жилонжийданинг кўкрак оғриғида ва йўтала кўкракни юмшатувчи, йўтала кандориуви дори сифатида, камконлик, астма, чекач, ик кетиши, иситма, ичак, ўпка, жигар, бўйрак, қоўук касалликларини даволашовчи, оғриқ қолдириуви, қон босимишина пасайтируви ва сийдик ҳайдовчи доривор мева эканлигини аниқлаган ва шу мақсадда илмий тибиётда ишлатишга тавсия этган.



Жилонжийда

Кимёвий таркиби: баргид 0,36 фоиз сапонинлар, 3,7 фоиз фловонидлар, 29,5 фоиз С дармондориси, 8,84 фоиз смолалар, 9,46 фоиз органик кислоталар мавжуд.

Физика фани муаллимаси, тажрибали устоз Дилдора Исахўжайевнинг "Булғанинг" вакоғида қонимаган булгар" мавзуидаги очик дарссида ўқувчилари фаол иштирок этишиди. Унда 8-“А” синф ўқувчилари жонли мuloқot тарзида ўтган очик дарсда ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишиди.

Докада сузуб, юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

Докада сузуб, юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

Сиддикхўжа ТОЖИХОНОВ.

Қизилсув даҳаси, Шимкент шаҳри.

Директор – Бош мухаррир
Райимжон Ортиқбай ўғли
АЛИБОЕВ.

Бош мухаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Аваҳзон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Маъсул шахслар:
Туркестон, Саърон – Шомирза МАДАЛИЕВ, +7701-610-51-22.
Кентов, Сўёз – Рўзиохун МАДАЛИЕВ, +7708-824-20-97.
Қаз